

## РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Мамажонов Муроджон Махаматкул ўғли*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф рецидив жиноятларнинг турларини, ушбу жиноятларнинг аҳамиятини, рецидив жиноятларнинг жиноий ҳуқуқий таҳлилини, криминологик ва бошқа адабиётларда рецидив жиноятларнинг турлари ва ўзига хос хусусиятлари бўйича келтирилган жумларни кўрсатиб ўтиб мавзунини илмий таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** *рецидив жиноят, институтив асослар, пенитенциар рецидив, умумий ва махсус рецидив, квалификация қилиш, криминологик рецидив.*

### АННОТАЦИЯ

В рамках данной статьи автор провел научный анализ темы, показав виды рецидивных преступлений, значение этих преступлений, уголовно-правовой анализ рецидивных преступлений, вынесенные в криминологической и другой литературе приговоры о видах и признаках рецидивных преступлений.

**Ключевые слова:** *рецидивная преступность, институциональные основы, уголовно-исполнительный рецидив, общий и специальный рецидив, квалификация, криминологический рецидив.*

### ANNOTATION

Through this article, the author scientifically analyzed the topic by showing the types of recidivism crimes, the importance of these crimes, the criminal legal analysis of recidivism crimes, the sentences given in criminological and other literature on the types and characteristics of recidivism crimes.

**Key words:** *recidivism crime, institutional foundations, penitentiary recidivism, general and special recidivism, qualification, criminological recidivism.*

Ҳозирги кунда жиноятчиликнинг энг хавфли ва борган сари кенг тарқалиб бораётган жиноий уюшма шаклини илмий жихатдан ўрганиш муаммосига катта этибор берилмоқда. Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, жиноий уюшмалар шаклланишининг ижтимоий хавфи юқорилиги, жиноий уюшмаларнинг шаклланиши тобора кучайиб бораётганлиги, жиноий уюшмалар шаклланишининг олдини олиш фаолиятининг етарлича ишламаётганлиги, ҳуқуқий ва институтив асосларнинг талабга жавоб бермаслиги. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали

фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш<sup>1</sup>, шунингдек, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади<sup>2</sup>.

Рецидив жиноятлар умумий жиноятларнинг энг хавфли турларидан бири бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Чунки бу турдаги жиноятларни содир этувчи шахслар уларга нисбатан аввал ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи органлар томонидан жиноят-ҳуқуқий чоралар кўрилганлигига қарамасдан яна қасддан жиноятларни содир этишга ҳаракат қиладилар.

Рецидив жиноятларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ушбу турдаги жиноятларни олдини олишнинг аниқ ва самарали йўналишларини белгилаб беришга имкон яратади.

Юридик адабиётларда рецидив жиноятлар криминологик, жиноят-ҳуқуқий ва пенитенциар (жиноят-ижриоя ҳуқуқи) турларига бўлиниши тўғрисида баён қилинган. Ана шу турлардан жиноят-ҳуқуқий ва пенитенциар рецидив тушунчаси муаян турдаги жиноятларнинг жиноят таркиби доирасига кирувчи белгилари ҳисобланади<sup>3</sup>.

Криминологик адабиётларда рецидив турларининг ҳар хил мезонларга асосланган кўп сонли таснифлари таклиф қилинган. Масалан, умумий ва махсус рецидив, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган рецидив, оддий ва кўп қарра содир этилган рецидив фарқланади.

*Умумий рецидив* – бу олдинги жинояти учун судланган шахснинг ҳар қандай янги жиноят содир этиши.

*Махсус рецидив* деганда шахснинг янги ўхшаш ёки турдош жиноят содир этиши тушунилади. Шу боис ўхшаш ва турдош рецидив фарқланади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.

<sup>2</sup> Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Т.: 2005. 7-бет.

<sup>3</sup> Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. Б - 57.

<sup>4</sup> Михлин А.С., Иванова А.Т. Об однородном рецидиве и сочетании различных преступлений у судимых лиц // Труды ВНИИ МВД СССР. М., 1978. – Б-47-56.

Содир этилган жиноятлар сони ҳам шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигидан далолат бериши мумкин. Бу ерда оддий (бир карра) ва мураккаб (кўп карра) рецидив – илгари содир этилган жиноятлар учун таъсир чоралари қўлланилганидан кейин янги жиноят содир этиш ҳолати қайд этилади.

Қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида янги жиноят содир этиш ҳоллари ҳам ўзига нисбатан ҳар хил ёндашувларни тақозо этади.

Айрим юридик адабиётларда ва жиноят ҳуқуқи назариясида рецидив жиноятларни типларга ажратиб ўрганилади. Кўпроқ қуйидаги типларга ажратишдан фойдаланилади:

А) умумий; Б) махсус; В) бир мартали; Г) кўп мартали; Д) пенитенциар; Е) оддий; Ж) хавfli; З) ўта хавfli рецидив жиноятлар.

Рецидив жиноятларни бундай типларга ажратиш рецидив жиноятни квалификация қилишда фақат уларнинг айримларинигина аҳамияти бўлиб, улар асосан рецидив жиноятнинг моҳияти ва мазмунини аниқлашда аҳамиятга эга. Шунингдек, бундай рецидив жиноят учун жазо тайинлаш ва рецидивистлар шахсининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлашда аҳамиятлидир.

*Умумий рецидив* - олдин ҳар қандай қасддан қилган жинояти учун судланган шахс томонидан қасддан олдинги жиноятига ўхшамайдиган жиноятни содир қилиш тушунилади.

*Махсус рецидив* - қасддан жиноят содир қилган шахснинг судланганидан кейин айнан ўша жиноятига ўхшаш жиноятни содир қилиши тушунилади. Масалан, ўғрилик жинояти учун судланган шахснинг яна ўғрилик қилиши.

*Бир мартали рецидив жиноят* - олдинги қасддан қилган жинояти учун судланганидан кейин қасддан ҳар қандай жиноятни фақат бир марта содир қилишдир.

*Кўп мартали рецидив* - олдин ҳар қандай икки ва ундан ортиқ марта содир қилган жинояти учун судланганлик муддати ўтмасдан икки ёки ундан кўп жиноят содир қилишдир.

*Пенитенциар рецидив* - шахс олдинги жинояти учун фақат озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, янги содир қилган жинояти учун ҳам озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилиш тушунилади.

Оддий, хавfli ва ўта хавfli рецидив жиноятларнинг тушунчалари ЖКнинг 34-моддасида берилган.

Рецидивнинг санаб ўтилган турларидан ташқари адабиётларда бошқа рецидивлар ҳам учрайди. Масалан, Х.Кинге жазони ўтагандан сўнг орадан узок



вақт ўтгач янги жиноят содир этишга нисбатан «тасодифий» рецидив атамасини қўллайди<sup>5</sup>.

Олдинги жиноятнинг кейинги жиноятларга таъсири жиноят-хуқуқий адабиётларда махсус кўрилмаган. Масалан, А.С.Никифоров шахснинг барқарор турдош салбий хусусиятлари намоён бўлувчи қилмишларгина ўзаро боғлиқ, деб ҳисоблайди. Агар жиноятлар айбдор шахсининг уларда ўз аксини топган салбий хусусиятларига кўра ҳар хил бўлса, бу ҳатто жиноятлар мажмуи ҳам эмас, балки жиноятлар йиғиндиси ҳисобланади<sup>6</sup>.

Тасодифий рецидив деганда у криминологик рецидивни назарда тутлади. «Криминологик рецидив» тушунчаси шахс ҳукм қилинганидан кейин янги жиноят содир этиши билан боғлиқ барча ҳолатларни қамраб олади. Бизнинг назаримизда, уни ўрганишда асосий эътибор рецидивдаги жиноятлар ўртасидаги ўзаро алоқага қаратилиши лозим. Бу маҳкумларнинг таркиби ва криминологик белгиларига кўра турдош тоифаларини фарқлашга ёрдам бериши, такрорий жиноят ҳамда айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолашни енгиллаштириши мумкин.

ЖКнинг 16-моддасида ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади, дейилган<sup>7</sup>.

Жиноятнинг рецидив эканлиги унинг жиноят таркибига кирувчи зарурий белгиси бўлиб, рецидив жиноятларни жиноят таркибининг зарурий белгилари орқали таснифлаш ва уларни турларга ажратиш имконини беради.

ЖКда рецидив жиноятларни турларга ажратиш *иккита* мезонга асосланган.

*Биринчидан*, содир этилган жиноятларнинг ҳар хиллиги, яъни ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноят эканлиги.

*Иккинчидан*, содир этилган жиноят ўхшашлиги, яъни ЖК Махсус қисмининг битта моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилганлик учун судланганидан кейин, яна ўша моддада назарда тутилгант жиноятнисодир этиш, шунингдек, қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида кўрсатилган жиноят содир этишидир.

ЖКнинг 34-моддасида назарда тутилган рецидив жиноятлар ана шу белгиларга кўра *учта турга* бўлинган. Булар рецидив жиноят, хавfli рецидив жиноят ва ўта хавfli рецидив жиноятлардир.

<sup>5</sup> Кинге Х. Понятие рецидива преступления в уголовном праве и криминологии // Труды по правоведению. Тарту, 1975. – Б-60-61.

<sup>6</sup> Никифоров А.С. Совокупность преступлений. – М., 1965. – Б-16.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат вақти: 04.06.2022 й.)

ЖКнинг 34-моддасида Шахсинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши *рецидив жиноят* деб топилади.

Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ЖКда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, ЖК Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахсинг қасддан янги жиноят содир этиши *хавфли рецидив жиноят* деб топилади.

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсинг оғир жиноят содир этиши *ўта хавфли рецидив жиноят* деб топилади<sup>8</sup>.

Шунингдек, мазкур моддада қуйидаги шартлар ҳам белгилаб қўйилган:

- Суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин;

- шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Одатда, таснифлашнинг ўзига хос қоидалари бўлиб, у ёки бу ҳодисани таснифлашда ўша қоидаларга риоя қилиниши керак.

*Биринчидан*, конкрет ҳодисани муайян туркумга киритиш учун шу туркумдаги ҳодисалар учун ягона бўлган белгиларга асосланилади ва бу белгилар ўз табиатига кўра объектив бўлиши керак.

*Иккинчидан*, таснифланадиган ҳодисанинг белгилари шундай ҳодисалар учун умумий бўлган белгилари доирасида бўлиши керак. Бу қоида жиноят ҳодисасига татбиқ этиладиган бўлса, ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмиш у қайси туркумга киришидан қатъи назар ўзининг хусусиятлари ва оқибатларига кўра жиноят тушунчаси доирасида бўлиши керак. Демак, таснифлаш барча қасддан қилинадиган жиноятларни қамраб олиши ва қасддан қилинадиган жиноятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиши керак.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат вақти: 04.06.2022 й.)

*Учинчидан*, ҳар бир таснифланувчи ҳодиса ўзига хос белгиларга эга бўлиши зарур. Жиноятга татбиқан олинадиган бўлса, ҳар бир туркум ўзининг аниқ белгилари доирасига, жиноят-ҳуқуқий оқибатларга эга. Ҳар бир туркумга кирувчи белгилар шу туркумнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаб туриши билан бирга қасддан қилинган жиноятларнинг умумий белгиларини ҳам ўзида ифода этиб уларнинг бир бутунлигини ҳам билдириб туради.

*Тўртинчидан*, таснифлаш муайян тартибда ва узлуксиз бўлиши, ноаниқ ёки мавҳум бўлган мезонлар олинмаслиги керак. Агарда таснифлашнинг бирон-бир мезони мавҳум бўлса, бошқа барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда ҳам, таснифлашнинг тўғрилиги, назарий ва амалий аҳамияти ўз қимматини йўқотади.

Жиноятларни таснифлаш ҳақида юридик адабиётларда олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган. Айрим муаллифларнинг фикрича таснифлашнинг мезони жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бўлса, бошқа муаллифлар жиноятларнинг умуман ижтимоий хавфлилик хусусияти деб ҳисоблайдилар, учинчилари эса конкрет шахс томонидан содир этилган алоҳида жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, деб ҳисоблайдилар. Айрим муаллифлар эса конкрет жиноят таркиби учун белгиланган санкция таснифлашнинг мезони бўла олмайди деб ёзадилар. С.Степичев ўз нуқтаи назарини шундай баён қилади: унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларни у ёки бу белгиларига кўра умуман ижтимоий хавфлилигига қараб эмас, балки айбдорга нисбатан тайинланган жазонинг миқдоридан ифодаланган муайян турда жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасидан келиб чиқиш керак. Л.Н.Кривоченконинг фикрича, барча туркумдаги жиноят учун қонунда белгиланадиган таснифлаш мезони жиноят-хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ва санкция бўлиши керак<sup>9</sup>. Л.Н.Кривоченконинг фикри ЖКнинг 15-моддасида назарда тутилган жиноятларни таснифлашга мос келади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоатхавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида Ички ишларорганлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
2. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Т.: 2005. 7-бет.
3. Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. Б - 57.

<sup>9</sup> Кривоченко Л.Н. Классификация преступлений. Харьков, 1997. - с. 53-54.

4. Михлин А.С., Иванова А.Т. Об однородном рецидиве и сочетании различных преступлений у судимых лиц // Труды ВНИИ МВД СССР. М., 1978. – Б-47-56.
5. Кинге Х. Понятие рецидива преступления в уголовном праве и криминологии // Труды по правоведению. Тарту, 1975. – Б-60-61.
6. Никифоров А.С. Совокупность преступлений. – М., 1965. – Б-16.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат вақти: 04.06.2022 й.)
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги 13-сонли «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги қарори <https://lex.uz/docs/1600001> (мурожаат вақти: 29.05.2022 й.)
9. Кузнецова Н.Ф. Преступление и преступность. М., 1969. 232 с.
10. Исмоилов ., Саттаров Ч. Рецидив жиноятчилик ва унинг олдини олиш муаммолари. Ўқув қўлланмаси / Масъул муҳаррир юридик фанлари доктори, профессор З.С. Зарипов. – Т.; Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2000. Б - 7.
11. Исмоилов ., Саттаров Ч. Рецидив жиноятчилик ва унинг олдини олиш муаммолари. Ўқув қўлланмаси / Масъул муҳаррир юридик фанлари доктори, профессор З.С. Зарипов. – Т.; Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2000. Б - 8.